

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2024 йил январь ойининг 17 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ўз биносидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: О.Мирсадиков ва Р.Зариповдан иборат таркибда, М.Иномхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Асқаров, химоячи А.Сулаймонов, судланганлар АД ва АЁ ҳамда фуқаровий даъвогар Ў.Солиевнинг иштирокида, АД ва АЁга оид жиноят ишини уларнинг химоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 16 ноябрдаги ҳукмига кўра:

ААА шахрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Қўқон шаҳрида рўйхатдан ўтган “СНТ” МЧЖнинг норасмий раҳбари, БББ-хонадонда яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган АД

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 184-моддаси 3-қисми билан сутканинг соат 21.00дан соат 06.00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат 3 йил озодликни чеклаш жазосига;

ААА шахрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, судланмаган, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, Қўқон шаҳрида рўйхатдан ўтган “СНТ” МЧЖнинг норасмий раҳбари, БББ-уйда яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган АЁ

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 184-моддаси 3-қисми билан сутканинг соат 21.00дан соат 06.00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланишган.

Судланган АД ва АЁдан солидар тартибда давлат бюджетига 7.391.087 сўм ундирилиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, АД жиноий шериги АЁ ва бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, иштирокчиликда, МЭ таъсисчилиги ва раҳбарлигида 2021 йил 6 июнда “СНТ” МЧЖни ташкил этиб, жамиятни норасмий бошқаришиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича Департамент Қўқон шаҳар бўлимининг жамият фаолияти юзасидан



камерал текширув натижалари бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан 2022 йил 19 декабардаги 1402-сонли хабарномасини инобатга олмасдан, жамиятнинг 2021 йил ҳамда 2022 йил 1-чорагидаги фаолияти юзасидан товар (иш ва хизмат)лар реализациясидан ялпи тушумини 1.546,3 миллион сўмга камайтириб кўрсатиб, 2021 йилда айланмадан олинadиган солиқ учун 14.070,6 минг сўм, қўшимча қиймат солиғи учун 26.578,4 минг сўм, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи учун 119.676,7 минг сўм, 2022 йилда қўшимча қиймат солиғи учун 6.207,5 минг сўм, фойда солиғи учун 6.305,0 минг сўм, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи учун 12.729,2 минг сўм жами 185.576.700 сўм солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда айбли деб топилишган.

Судланганлар АД ва АЁ ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятларида, биринчи инстанция суди ортиқча тўланган солиқ тўловларини инобатга олмагани сабабли, ушбу маблағни ўзларига қайтариб, жазодан озод қилишни сўрашган.

Судланганлар АД ва АЁ ҳамда фуқаровий даъвогар Ў.Солиев ўзларининг эътирозномаларида, шикоятларга эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Мамажоновнинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, фуқаровий даъвогар Ў.Солиевнинг судланганлардан суд ҳукмида кўрсатилган солиқ тўловларини ундириш, ҳимоячи А.Сулаймонов ҳамда судланганлар АД ва АЁнинг шикоятларни қаноатлантириб, жазодан озод қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланганлар АД ва АЁнинг айблари исботлангани ҳақида асосли ҳулосага келиб, уларнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Судланган АД ва АЁнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айблари, уларнинг судда қилмишига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, фуқаровий даъвогар Ў.Солиев, гувоҳлар Р.А, МЭ, ХХнинг суддаги кўрсатувлари, ишдаги судда текширилган гувоҳлар Г.М, М.М, Ж.Нларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, “СНТ” МЧЖда ўтказилган тафтиш ҳужжатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Апелляция инстанцияси суди судланганлар АД ва АЁнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятларидаги ортиқча тўланган солиқ тўловларини ўзларига қайтариш ҳақидаги важларини, гувоҳ ХХнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларидаги, Департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими томонидан 2023 йил 24 июнь куни тайинланган “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида” ги қарори ижроси юзасидан “СНТ” МЧЖнинг 01.01.2021 йил кунидан 30.06.2023 йил кунига қадар бўлган даврлардаги молия-хўжалик фаолиятида тафтиш тайинлаш тўғрисидаги



қарорда кўрсатилган масалалар юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилгани, текширишда МЧЖ раҳбари МЭ ва норасмий раҳбари АДлар иштирок этишгани, “СНТ” МЧЖнинг 2018-2022 йиллар молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш натижасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга жами 185.567.730,0 сўм қўшимча ва 1.304.643,0 сўм камайтиришга ҳисоблангани асосий зарар таъсисчининг жамият таъсис жамғармасига кўйилган товарларнинг келиб чиқиш манбаси аниқ бўлмагани учун қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганидан келиб чиққани, улар томонидан ҳозирга келиб қилинаётган ҳисоб-китоб нотўғри экани, ҳужжатли тафтиш далолатномаси тўғри тузилгани ҳақидаги кўрсатувлари ҳамда юқоридаги ёзма далиллар билан рад қилади.

Апелляция инстанцияси суди судланганлар АД ва АЁнинг улардан солиқ тўловлари ортиқча ундирилгани ҳақидаги важларини улар томонидан судга солиқ тўловларини ортиқча қилишгани ҳақида асосли ҳужжат тақдим қилилмаганини инобатга олиб, мазкур важлар билан келишмади.

Судланганлар АД ва АЁ томонидан ўзларидан солидар тартибда давлат бюджетига ундирилиши белгиланган сумма ҳисобига 920.000 сўм Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига тўлангани ҳақида АТБ “Biznesni rivojlantirish banki” Фарғона филиали банк тўлов квитанцияси апелляция инстанцияси судига тақдим этилди.

Биринчи инстанция суди судланганлар АД ва АЁга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганини инобатга олиб, улар айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келган.

Шу сабабли, апелляция инстанция суди судланганлар АД ва АЁни жазодан озод қилиш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

Апелляция инстанция суди АД ва АЁга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни, шунингдек, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 920.000 сўмни солиқ бошқармаси орқали давлат бюджетига ўтказишни белгилашни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>13</sup>, 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



АД ва АЁга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 16 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 920.000 (тўққиз юз йигирма минг) сўм пуллар солиқ бошқармаси орқали давлат бюджетига ўтказилиши белгилансин ва судланганлар АД ва АЁдан давлат бюджетига ундирилиши белгиланган 7.391.087 сўмнинг 920.000 сўми қоплангани инобатга олинсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи	/имзо/	Б.Мамажонов
Ҳайъат судьялари	/имзо/	О.Мирсадиков
	/имзо/	Р.Зарипов
Ажрим нусхаси аслига тўғри, вилоят суди судьяси		Б.Мамажонов

